

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА ГУЛЧЕХРА РАХИМОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИКДАН ОЛДИНГИ ДАВРДА COVID-19 ЎТКАЗГАН
ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ИММУНОЛОГИК
ҲОЛАТИ**

**14.00.36– Аллергология ва иммунология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Юлдашева Гулчехра Рахимовна

Ҳомиладорликдан олдинги даврда Covid-19 ўтказган ҳомиладор аёлларнинг клиник ва иммунологик олати.....3

Юлдашева Гулчехра Рахимовна

Клинико-иммунологическое состояние беременных женщин, перенесших COVID-19 в предгравидарном периоде.....23

Yuldasheva Gulchekhra Rakhimovna

Clinical And Immunological Status Of Pregnant Women Who Had COVID-19 In The Pre-Gravity Period.....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИД
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА ГУЛЧЕХРА РАХИМОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИКДАН ОЛДИНГИ ДАВРДА COVID-19 ЎТКАЗГАН
ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ИММУНОЛОГИК
ҲОЛАТИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацион комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4751.рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ((www.immuno.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Джаббарова Юлдуз Касымовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.02/30.12. 2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025-й «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй. Тел/факс: (+998 71) 207-08-30, e-mail: immunologiya@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент, Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй. Тел/факс: (+998 71) 207-08-30, e-mail: immunologiya@immuno.uz).

Диссертация автореферати 2025-йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025-йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмоилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда COVID-19 инфекциясининг нафас ва асаб тизимларига таъсири яхши ўрганилган «...шунингдек, томирлар (эндотелий), миокард, буйраклар, ошқозон-ичак тизими ва бошқа органлар ҳам зарарланади»¹. SARS-CoV-2 вируси геноми тўртта тузилишга эга оксилни кодлайди, улар орасида асосийси — S-шип (spike) оксили бўлиб, у ангиотензин айланттирувчи фермент 2 (ACE2) рецептори билан боғланиб, вируснинг хужайрага киришини ва унинг мембранаси билан бирлашини таъминлайди (Long Q.X. ва бошқ., 2020). Шунингдек, вируснинг кириши трансмембран серин протеаза II тури (TMPRSS2) фаоллигига боғлиқ. X.W. Bian ва бошқ. (2020) маълумотларига кўра, SARS-CoV-2 вирусининг РНКси ва вирус заррачалари бир қатор органлар ва тўқималарда, жумладан тухумдон ва уруқ йўлларида аниқланган, бу эса вируснинг репродуктив тизимга тўғридан-тўғри таъсир кўрсата олиш қобилиятидан далолат беради.

Жаҳон миқёсидаги тадқиқотлар SARS-CoV-2 вируси томир эндотелийсига тизимли шикаст етказишини намоён қилган. Бу ҳолат капиллярлар ўтказувчанлигининг ошиши, протромбоген омиллар синтезининг кучайиши, комплемент ва тромбоцитлар фаоллашиши ҳамда турли органларда микротромблар шаклланиши билан кечади. COVID-19 инфекцияси билан касалланган аёллардан олинган плацента патоморфологиясида оналик ва болалик томирларининг мальформацияси, васкулит, қовузлоқ ичи ва субхориал бўшлиқларда тромблар, хорионит ва фибриноид некроз ҳолатлари кузатилган бўлиб, улар фетоплацентар етишмовчилигига олиб келади. Тухумдон тўқимаси ва фолликуляр суюқликда оофорит белгилари, антимюллер гормони (АМН) даражасининг пасайиши ва FSH/LH нисбатининг бузилиши қайд этилган, бу овариал захира ҳамда стероидогенез функцияларининг бузилишидан далолат беради. Бундан ташқари, репродуктив ёшдаги бемор аёлларнинг 28–47% да қон зардоби эстрадиол даражасининг пасайиши ва номунтазам ҳайз кўриш ҳолатлари қайд этилган бўлиб, бундай ўзгаришлар касалликнинг оғирлиги билан боғлиқ бўлган.

Мамлакатимизда COVID-19 инфекциясидан кейин пайдо бўлувчи репродуктив бузилишларни барвақт аниқлаш ҳамда аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва тиклашга қаратилган тиббий хизматни такомиллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси 2022–2026” йиллар учун белгиланган устувор йўналишларига мувофиқ, «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш...»² каби вазифалар белгилаб берилган. Шу

¹ Di Giacinto C. et al. The role of cytokines in pregnancy: Th1/Th2 balance and immunoregulation. Lancet. 2020; 395 (10223):497–506

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони

нуқтаи назардан, касалликдан кейин юзага келувчи репродуктив асоратларни иммун ҳолат, цитокинлар ҳолати мувозанати ва нейрогормонал бошқарувни ҳисобга олган ҳолда клиник-иммунологик ташхис ва профилактика усуллари жорий этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятига тамоман янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 августдаги 461-сонли «Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳомиладорлик даврида онанинг иммун тизимида кўп босқичли қайтасозлаш жараёнлари содир бўлади: Th1-тип жавобдан Th2-тип жавобга бурилиш ва регулятор CD4+ Т-лимфоцитлар (Treg) популяциясининг кенгайиши, цитотоксиклиги пасайтирилган, аммо ангиоген омиллар секрецияси кучайтирилган децидуал НК-ҳужайраларининг фаоллашуви, яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-10, TGF- β) даражасининг ошиши, толероген дендрит ҳужайраларининг шаклланиши ва децидуадаги M2-макрофаглар улушининг кўпайиши, трофобластларда ноанъанавий HLA-G экспрессияси ва IDO-га боғлиқ триптофан метаболизмининг фаоллашиши натижасида она томонидан Th1-жараёнлар сусайтирилади (Schumacher ва бошқ., 2018; Tilburgs ва бошқ., 2019; Wallace ва бошқ., 2020). Бу мувофиқлаштирилган ўзгаришлар ҳомила учун иммунологик устунлики яратади, онада эса вирус ва бактерияларга қарши тизимли ҳимоя сақланиб қолади.

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар ўртасидаги клиник тадқиқотлар яллиғланишга олиб келувчи йўллارнинг сезиларли даражада фаоллашувини кўрсатди: қон зардобидаги IL-6, IL-8 ва TNF- α даражалари ошган, CD4+ ва CD8+ Т-лимфоцитлар сони кескин камайган, НК-ҳужайраларнинг цитотоксик фаолияти кучайган, бу ўзгаришлар инфекция оғирлиги ва муддатидан олдин туғруқ хавфи билан тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги аниқланган (Chen ва бошқ., 2022; Smith ва бошқ., 2021).

COVID-19 дан тузалган аёлларда ўтказилган плацента патоморфологик

ва иммуногистохимёвий тадқиқотларида CD68+ макрофаглар инфильтрацияси билан қовузлоқ васкулити, хориал қовузлоқларнинг фибриноид некрози, комплемент тизимининг фаоллашгани ва трофобластдаги HLA-G экспрессиясидаги дисбаланс аниқланган, бу эса фетоплацентар қон айланишининг бузилиши, ҳомиланинг бачадонда ўсишдан қолиши ва фетоплацентар етишмовчилигига олиб келиши мумкин (Shanes ва бошқ., 2020; Martinez-Portilla ва бошқ., 2021).

Шу билан биргаликда, ҳомиладорликкача бўлган даврда COVID-19 инфекциясини бошидан кечирган аёлларнинг клиник-иммунологик ҳолати етарли даражада ўрганилмаган. Иммун маркерлар динамикаси, ҳомиладорликкача ва ҳомиладорлик пайтидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг перинатал натижалар билан боғлиқлигига оид лонгитуденал маълумотлар деярли мавжуд эмас. Бу эса ишончли прогностик мезонлар ва самарали профилактик ёндашувларни ишлаб чиқиш учун комплекс тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини таъкидлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва институт Илмий кенгашининг 2021 йил 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорликдан олдин COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларини аниқлашга асосланган ҳолда ҳомиладорликни бошқаришга дифференциал ёндашувнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорликдан олдинги даврда COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг репродуктив тизимига коронавирус инфекциясининг таъсирини баҳолаш;

ҳомиладорликдан олдинги даврда COVID-19 билан касалланган турли ҳомиладорлик даврида бўлган аёлларда цитокин ҳолатининг диагностик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш;

ҳомиладорликдан олдин COVID-19 билан касалланган турли ҳомиладорлик даврида бўлган аёлларда клиник ва иммунологик кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

ҳомиладорликда аниқланган клиник ва иммунологик хусусиятларига асосланиб, ҳомиладорлик даврида концепциядан олдин коронавирус инфекциясига чалинган аёлларни бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида РИОваБСИАТМ Фарғона филиалига ҳомиладорликдан олдинги даврда COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган ва турли акушерлик шикоятлари билан мурожаат 118 нафар ҳомиладор аёл, назорат гуруҳига эса гестациянинг турли муддатларида физиологик ҳомиладорликдаги 72 нафар аёл киритилди.

Тадқиқот предмети сифатида ҳомиладорликдан олдинги даврда

COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёллар ва амалда соғлом ҳомиладор аёлларнинг биокимёвий ҳамда иммунологик таҳлиллар учун мўлжалланган веноз қон зардоби намуналари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор ҳомиладорликдан олдинги қисқа прегравидар даврда коронавирус инфекциясининг оғирлик даражасидан қатъи назар, она организмнинг ҳомилага нисбатан иммунологик толерантлиги бузилиши, бу эса янги туғилган чақалоқларда туғруқдан сўнгги ҳалокат ҳолатларининг ортиши билан намоён бўлиши аниқланган;

илк бор ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини симптомсиз ўтказган аёлларда гестациянинг турли босқичларида яллиғланишга ҳос цитокинлар (IL-1 β , IL-6, IL-8) миқдори ошиши ҳамда яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-4) миқдори пасайиши кузатилганлиги аниқланган;

илк бор IFN α миқдорининг пасайиши ҳамда IFN γ миқдорининг ошиши ҳомила ҳолатини баҳолашда янги прогностик мезон сифатида тавсия этилган;

илк бор COVID-19 инфекциясининг оқибатлари аёллар репродуктив тизимига салбий таъсир кўрсатиши ва бу ҳолат гестация даврида цитокин ҳолатининг динамик ўзгаришларига сабаб бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда пренатал скрининг протоколларига яллиғланишга ҳос ва қарши цитокинлар (IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, IFN α ва IFN γ) миқдорини аниқлашни киритиш асосланган;

коронавирус инфекциясини туфайли юзага келган клиник-иммунологик ўзгаришлар гестациянинг барча босқичларида намоён бўлиб, касалликнинг бошланғич оғирлик даражасидан қатъи назар кузатилиши, бу эса бундай аёлларни назорат қилиш ва бошқаришда ягона стандартлаштирилган ёндашувни жорий этиш зарурлиги аниқланган;

вақтида терапевтик ва профилактик коррекциялаш тадбирларни таъминлаш мақсадида ҳомиладорлик муддатидан келиб чиқиб иммунологик мониторинг ҳажми ва қайтараилиш даражасини мослаштириш зарурлиги исботланган;

IFN γ юқори даражаси ва IFN α паст даражасининг уйғунлиги исталган триместрда ҳам ишончли акушерлик асоратларининг прогностик белгиси сифатида намоён бўлиши исботланган, бу ушбу маркерларни эрта хавфни стратификация қилиш ва профилактик стратегияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш зарурлигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик ва

статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ҳомиладорликдан олдинги даврда COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда юзага келган иммунологик ва репродуктив бузилишларни ўрганиш жараёнида инфекциянинг узок муддатли оқибатлари репродуктив тизим фаолиятига таъсир кўрсатиши, гестациянинг турли босқичларида цитокин ҳолатида барқарор ўзгаришлар рўй бериши ва бу ўзгаришлар IL-1 β , IL-6, IL-8 миқдорларининг ишончли ошиши ва IFN α ҳамда IL-4 миқдорларининг пасайиши билан намоён бўлиши, шунингдек, IFN α миқдорининг пасайиши ва IFN γ миқдорининг ошиши ҳомила ҳолатини баҳолаш учун прогностик мезон сифатида хизмат қилиши мумкинлиги, ҳомиладорликдан олдин коронавирус инфекциясини симптомсиз ўтказган аёлларда янги туғилган чақалоқларнинг туғруқдан кейин ҳалок бўлиши ҳолатлари кўпроқ учраши билан боғлиқлик мавжудлиги кўрсатилиши, ҳамда, комплекс таҳлил натижалари ҳомиладорликдан олдин SARS-CoV-2 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда акушерлик асоратларининг хусусиятларини аниқлашга имкон беришиди ҳамда постковид репродуктив бузилишлар патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларни пренатал скринингдан ўтказиш протоколларига ялтиғланишга ҳос ва қарши цитокинлар (IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, IFN α ва IFN γ) миқдорини аниқлашни киритиш мақсадга мувофиқ экани асосланиши, инфекция оғирлигидан қатъи назар, клиник-иммунологик ўзгаришлар гестациянинг барча босқичларида намоён бўлиши аниқлангани туфайли бу тоифадаги беморларни кузатиш ва олиб боришда ягона ёндашувни жорий этиш зарурати юзага келиши, шунингдек, ҳомиладорлик даврига қараб иммунологик мониторингнинг тез-тезлиги ва ҳажмини мослаштириш зарурлиги тасдиқланган бўлиб, бу профилактик ва терапевтик чора-тадбирларни ўз вақтида белгилаш имконини бериши, IFN γ юқори ва IFN α паст миқдорининг бир вақтда мавжудлиги эса ишончли акушерлик асоратлари предиктори сифатида қайд этилган бўлиб, ушбу маркерлар орқали хавфни эрта стратификация қилиш ва шахсийлаштирилган ҳомиладорликни бошқариш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда ҳомиладорликнинг клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш ва цитокин профилига асосланган диагностика ёндашувларини ишлаб чиқиш натижасида олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: ҳомиладорликдан олдинги даврда COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда ҳомиладорлик жараёни ва акушерлик асоратлари таҳлили натижалари тақдим этилганлиги бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 ноябрда №8н-р/1281-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда интерферонлар синтезини баҳолаш диагностика мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур тақлиф РИОваБСИАТМ Андижон филиалида 2024 йил 26 сентябрдаги №38-сонли ва РИОваБСИАТМ Фарғона филиалида 2024 йил 25 сентябрдаги №113-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/21-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* ҳомиладорликдан олдин коронавирус инфекциясини бошдан кечирган аёллар учун антенатал ёрдам сифатини оширишга, гестация даврининг физиологик кечишини таъминлаш, ҳомиланинг йўқотилишини олдини олиш, унинг нормал бачадонда ривожланишини таъминлаш ҳамда перинатал ўлимни камайтиришга хизмат қилади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этиш COVID-19 билан боғлиқ цитокин профилини аниқлаш, она ва ҳомила учун асоратларни прогноз қилиш ва олдини олиш ҳамда даволаш тактикасини оптималлаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган ва 118 беморда даволаш харажатларини 73 632 000 сўмга тежашга имкон берган; *хулоса:* ҳомиладорликнинг кечишига оид комплекс таҳлил COVID-19 бошдан кечирган аёлларда ривожланувчи акушерлик асоратларининг табиати ва хусусиятларини аниқлашга ҳамда клиник кузатувнинг янги ёндашувларини тақлиф этишга имкон берди.

иккинчи илмий янгилиги: ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини симптомсиз ўтказган аёлларда янги туғилган чақалоқларининг туғилгандан сўнг ҳалок бўлиши ҳолатлари кўпроқ учраши аниқланганлиги бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 ноябрда №8н-р/1281-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда интерферонлар синтезини баҳолаш диагностика мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур тақлиф РИОваБСИАТМ Андижон филиалида 2024 йил 26 сентябрдаги №38-сонли ва РИОваБСИАТМ Фарғона филиалида 2024 йил 25 сентябрдаги №113-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/21-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* цитокин ҳолати динамикасининг аниқланган хусусиятлари онадан болага патологик жавобнинг яллиғланиш иммунологик генезининг устунлигини тасдиқлашга имкон беради ва клиник жиҳатдан ҳомиланинг ҳаётини зарур таъминоти, ривожланишининг ёмонлашуви, хатто муддатидан олдин тушиши кўринишида намоён бўлади; *иқтисодий самарадорлиги:* олинган натижаларнинг амалиётда қўлланилиши ҳомиладорлик асоратларининг иммунологик генезини аниқлашга имкон берди, комплекс фармакотерапияни

ўтказиш 118 бемор учун ётоқ кунлари сонини камайтириш ҳисобига 56 086 580 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини берган; *хулоса*: аниқланган симптомсиз инфекция билан перинатал йўқотишлар ўртасидаги боғлиқлик ушбу тоифадаги ҳомиладор аёлларни юқори хавф гуруҳига киритиб, уларни кучайтирилган тиббий кузатув остига олиш зарурлигини асослаб беради.

учинчи илмий янгилigi: ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини симптомсиз ўтказган аёлларда гестация даврининг турли босқичларида IL-1 β , IL-6, IL-8 миқдорининг ошиши ва IFN α ҳамда IL-4 миқдорининг пасайиши кузатилганлиги бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 ноябрда №8н-р/1281-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда интерферонлар синтезини баҳолаш диагностика мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Андижон филиалида 2024 йил 26 сентябрдаги №38-сонли ва РИОваБСИАТМ Фарғона филиалида 2024 йил 25 сентябрдаги №113-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/21-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: этилган клиник олди иммунодиагностика усуллари ҳомиладорликни тўхтатиш хавфи туфайли шифохонага ётқизиш ҳолатлари ва ҳомила сақланмаслик ҳолатлари сонини камайтириш имконини берди; *иқтисодий самарадорлиги*: клиник олди иммунодиагностика ва таклиф этилган комплекс терапияни қўллаш орқали ҳомиладорликни тушиш хавфининг давомийлигини ва асоратлар сонини камайтиришга, шунингдек, бир бемор учун даволаш харажатини 624 000 сўмгача қисқартиришга эришилди, 118 нафар бемор учун жами 73 632 000 сўм иқтисод қилинди; *хулоса*: олинган натижалар постковид гуруҳига кирувчи ҳомиладор аёлларда лаборатория назорати остида бўлиши лозим бўлган иммунологик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва пренатал иммуномониторинг йўналишларини аниқлаш имконини берди;

тўртинчи илмий янгилigi: IFN α миқдорининг пасайиши ва IFN γ миқдорининг ошиши ҳомила ҳолатини баҳолашда прогностик мезон сифатида хизмат қилиши мумкинлиги белгиланганлиги бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 ноябрда №8н-р/1281-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда интерферонлар синтезини баҳолаш диагностика мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Андижон филиалида 2024 йил 26 сентябрдаги №38-сонли ва РИОваБСИАТМ Фарғона филиалида 2024 йил 25 сентябрдаги №113-сонли буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/21-сон маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: ҳомиладорликкача коронавирус инфекциясини бошдан кечирган аёлларга кўрсатиладиган антенатал ёрдам сифатининг ошиши гестация даврининг физиологик кечишини таъминлашга, ҳомила йўқотилишини олдини олишга, унинг

нормал бачадонда ривожланишига ҳамда перинатал ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган; *иқтисодий самарадорлиги*: ҳомиладорлик патологияси патогенезига йўналтирилган комплекс фармакотерапияни қўллаш даволаш муддатларини қисқартиришга ва ҳар бир бемор учун 475 310 сўм миқдорида бюджет маблағларини тежашга имкон берди; *хулоса*: IFN α ва IFN γ нинг аниқланган прогностик маркер сифатидаги аҳамияти бачадон ичи гипоксияси ва гестациянинг асоратли шакллари эрта босқичда аниқлаш, хавфни стратификация қилиш асосини ташкил этди.

бешинчи илмий янгилиги: коронавирус инфекциясининг оқибатлари репродуктив тизимга таъсир кўрсатиши, гестациянинг турли босқичларида цитокин ҳолатининг ўзгаришига олиб келиши аниқланганлиги бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 ноябрда №8н-р/1281-сон билан тасдиқланган «Ҳомиладорликдан олдин COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган аёлларда интерферонлар синтезини баҳолаш диагностика мезонлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур таклиф РИОваБСИАТМ Андижон филиалида 2024 йил 26 сентябрдаги №38-сонли ва РИОваБСИАТМ Фарғона филиалида 2024 йил 25 сентябрдаги №113-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/21-сон маълумотномаси); *иштимойий самарадорлиги*: цитокин ҳолатининг динамикасига оид аниқланган характерли хусусиятлар она организмнинг ҳомилага нисбатан патологик жавобининг яллиғланишли иммунологик генези устунлигини тасдиқлади, бу клиник жиҳатдан ҳомиланинг ҳаётий муҳим таъминланиши ва ривожланишининг ёмонлашуви, ҳатто муддатидан олдин тушиб қолиши билан намоён бўлади; *иқтисодий самарадорлиги*: ҳомиладор аёлларни олиб бориш алгоритмининг жорий этилиши натижасида ҳар бир бемор учун 1 099 310 сўм миқдорида моддий маблағларни тежаш имкони яратилди; *хулоса*: аниқланган цитокин профили ўзгаришлари коронавирус инфекциясини бошдан кечирган беморларни пренатал кузатишнинг илмий жиҳатдан асосланган шахсийлаштирилган ёндашувини ишлаб чиқишда патогенетик асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Репродуктив ёшдаги аёллар орасида COVID-19 муаммосининг хозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида коронавирус инфекциясининг аёллар репродуктив функцияси патологиясида тугган ўрни, COVID-19 эпидемиологияси, патогенези назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган, бундан ташқари диагностика мезонлари бўйича, COVID-19да ҳомиладорликдан олдин ва ҳомиладорлик пайтида иммунитет гомеостазининг бузилиши ҳақида замонавий маълумотлар келтирилган, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки баъзи тушунтиришларни талаб қиладиган томонлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун клиник материаллар, тадқиқот дизайни ва босқичлари, шунингдек, Фарғона вилоят перинатал марказига турли акушерлик шикоятлари билан мурожаат қилган 118та ҳомиладор аёлларда клиник, лаборатория ва статистик тадқиқот усуллари келтирилган. Ушбу 118та аёлнинг барчаси ҳомиладорликдан олдин коронавирус инфекцияси билан касалланганлиги аниқланди. Бундан ташқари, улардан 79 нафари SARS-CoV-2 билан касалланганлигини билмаган, чунки уларда касаллик симптомсиз ўтган, яъни уларда коронавирус инфекциясининг енгил даражаси бўлган. Уларнинг COVID-19 билан касалланганлигини, стационарга ётқизилганда аниқланган SARS-CoV-2га қарши IgG антитаналари тасдиқлади. Улар 1-асосий гуруҳни ташкил қилди.

Иккинчи асосий гуруҳни ҳомиладорликдан олдин коронавирус инфекцияси билан касалланган 39та ҳомиладор аёл ташкил қилди, уларда COVID-19 турли даражадаги оғирликда кечган ва улар тегишли даволашни олинган. Шунини таъкидлаш керак, 39та аёлдан 27 нафариди (69,2%) коронавирус инфекцияси ўртача оғирликда кечган ва улар уй шароитида даволанган. 12 нафар аёлда (30,8%) касалликнинг оғир кечиши кузатилган ва улар стационар шароитида даволанган. Назорат гуруҳини физиологик ҳомиладорлик билан 72та аёл ташкил қилди.

Биз барча беморларни бир хил схема бўйича текшириш учун стандартлаштирилган анкета-карта ишлаб чиқдик, бу схема ҳаёт ва касаллик анамнезини ўрганиш, умумий қабул қилинган лаборатория ва махсус тадқиқот усуллари ўз ичига олади. Охирилари лаборатория, биокимё,


иммунология, бактериология, УЗИ ва статистик усулларни ўз ичига олади. Касаллик ташхиси қўшимча текширувлар орқали аниқланди. Стандарт клиник-лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари қўлланилди.

Иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш ЎЗР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтида (директор, ЎЗР ФА академиги Арипова Т.У.) олиб борилди. Қон зардобдаги цитокинлар (IL-1β, IL-4, IL-6, IL-8, IFNα, IFNγ) даражасини аниқлаш, Вектор Бест МЧЖ (РФ) тест-тизимлари ёрдамида илова қилинган кўрсатмаларга мувофиқ, иммунофермент анализ (ИФА) усули ёрдамида амалга оширилди.

Олинган натижалар “Excel” дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинди. Дастлабки параметрик вариантларни таққослаш намуналарни тақсимлашнинг тўғрилигини баҳолаш хато эҳтимолини (p) ҳисоблаш орқали Стьюдент мезони (t) асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ҳомиладор аёлларнинг клиник хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида ҳомиладорликдан олдин коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг анамнестик маълумотлари ва клиник ва лаборатория тадқиқот натижалари, COVID-19 дан тузалиб, даволанган 39та аёлда келтирилган таҳлиллар ҳомиладорликнинг бошланиши COVID-19нинг оғирлигига боғлиқлигини кўрсатди (1-расм).

Шундай қилиб, коронавирус инфекциясининг ўртача оғирлик даражаси билан ҳомиладорлик аёлларнинг 22,2% (6) 6 ойдан кейин, 44,4% (12) 8 ойдан кейин ва 33,3% (9) 10 ойдан кейин содир бўлган. Коронавирус инфекциясининг оғир шаклига чалинган аёлларнинг 16,7% (2) ҳомиладорлик 6 ойдан кейин, 25,0% (3) 8 ойдан кейин ва 58,3% (7) 10 ойдан кейин содир бўлган. COVID-19 дан кейинги ҳомиладорликнинг таҳлили шуни кўрсатдики, симптомсиз шаклда кўпчилик аёллар - 6 ойдан кейин, ўртача шаклда - 8 ойдан кейин ва оғир шаклда - 10 ойдан кейин ҳомиладор бўлишди (1-расм).




1-расм. Коронавирус инфекциясини юқтирган аёлларда ҳомиладорликнинг бошланиши, оғирлик даражасига қараб, n=118

Шуни таъкидлаш керакки, 118та аёлнинг барчаси контрацептив воситалардан фойдаланмаган. Ушбу маълумотлар коронавирус инфекциясининг репродуктив функцияга салбий таъсир кўрсатишини кўрсатади.

Шунингдек, биз коронавирус инфекциясидан тузалган аёлларнинг ёш таркибини таҳлил қилдик. Маълумки, ёш муҳим аҳамиятга эга эмас. Ушбу гуруҳдаги ҳомиладор аёллар 28-40 ёш оралиғида бўлиб, уларнинг асосий қисмини 31 ва ундан катта ёшдаги аёллар ташкил этди, бу касал бўлмаганларга нисбатан ўртача 2 баравар кўпдир (53,4% / 26%). $p < 0,05$). Паритет таҳлили шуни кўрсатдики, илк ҳомиладорликлар сони қайта ҳомиладорликка нисбатан 2,6 ва 1,8 баравар кўп, ҳам асосий, ҳам назорат гуруҳларида – 3,5 баравар ($p < 0,05$) эди.

Камқонлик ҳомиладорликнинг кенг тарқалган асорати эди. Назорат гуруҳида ТДА частотаси 27,8%, асосий гуруҳда эса 55,7 дан 60,0% гача бўлган. Ҳомиладор аёлларда анемия 2 баравар, сийдик йўлларидаги яллиғланиш касалликлари аҳолига қараганда 3 баравар кўп бўлган (12,7%/4,2%). Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу патология назорат гуруҳига нисбатан ҳар олтинчи беморда қайд этилган, COVID-19, билан касалланган деярли ҳар учинчи бемор метаболитик синдром билан касалланган. Яъни, ёшлигида, шунингдек, кексаликда метаболитик синдромнинг мавжудлиги бу вируснинг организмда фаоллашишига ёрдам беради.

Гематологик тадқиқотга кўра, гемоглобин даражасида ($p < 0,05$), қизил қон таначалари ($p < 0,05$) ва оқ қон ҳужайралари ($p < 0,05$) сонида сезиларли фарқ бор эди, бу беморларда ўртача камқонлик мавжудлиги аниқланди, асосий гуруҳ, лейкоцитозга кўра ва СОЭ даражалари, яллиғланиш реакциясининг мавжудлиги кўрсатади ($p < 0,05$).



2-расм. А) COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда Д-димер даражаси (нг/мл) ва Б) ферритин даражаси (нмол/л),

Гемостаз параметрларини қиёсий баҳолаш беморларнинг асосий гуруҳи қонининг гемостатик потенциалини оширишга аниқ эътибор қаратилишини аниқлади. Протромбин индексининг 1,6 бараварга, антитромбиннинг 1,6 баробарга ва ФҚТВ нинг 1,3 баробарга сезиларли пасайиши, шунингдек, фибриногеннинг 1,6 баравар ошиши аниқланди, бу асосий гуруҳ ҳомиладор

аёлларида тромбоемболияга мойиллигини кўрсатади. Бу, шунингдек, II-триместрда COVID-19 билан касалланган аёлларда Д-димернинг юқори даражасидан далолат беради, бу назорат гуруҳига қараганда 2,3 ва 2,8 марта сезиларли даражада юқори эди ($p < 0.05$) (2А-расм).

Бизнинг тадқиқотимизда асосий гуруҳ аёлларида ферритин даражаси 200 нмол/л чегарасидан ошиб кетди, бу назорат кўрсаткичидан 7,7-7,8 баравар юқори (235/29,9 нмол/л ва 230/29,9 нмол/л, $p < 0,05$) (2Б-расм). Юқоридаги маълумотлар ҳомиладорликдан олдин COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг танасида фаол яллиғланиш жараёни мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, клиник-лаборатор маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳомиладорликдан бироз олдин COVID-19 билан касалланган аёлларнинг танасида камқонлик (56,8%) ошади, фаол яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги аниқланган, бу шуни кўрсатадики, қонда ферритин даражасининг ортиши 230 нг / мл дан ва Д-димер - 1200 нг / мл дан, СОЭ - 27 мм/с дан ошади.

Яллиғланиш реакциясининг кучайиши, гиперкоагуляция ва гипоксия натижасида ҳомиладорликдан олдинги коронавирус инфекцияси ҳомиладорлик жараёнига салбий таъсир қилади (1-жадвал). Шундай қилиб, I- ва II-триместрларда касалхонага борган асосий гуруҳнинг 76та ҳомиладор аёллари ҳомиладорликни тўхташ ҳавфининг субъектив ва объектив белгиларига эга эдилар. Давом этаётган терапияга қарамай, ҳомиладорликнинг йўқолиши деярли ҳар бир иккинчи беморда кузатилган, ҳам анамнезда симптомсиз COVID-19, ҳам ушбу патологиядан азият чеккан ва даволанган беморларда бу назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан сезиларли даражада 8,3 баравар юқори (6,2%), ($p < 0,05$). Ҳомиладорлик 49% да сақланиб қолган, назорат гуруҳида эса 1,9 баравар юқори бўлган. Ушбу патологияда 1- ва 2-асосий гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ йўқ эди. III -триместрда асосий гуруҳдаги беморларда амниотик суяқлик патологияси (кўп сув ва кам сув) юқори даражада аниқланди, мос равишда 29% ва 12,7%, бу назорат гуруҳидан 4 мартадан анча юқори ва инфекция мавжудлигини кўрсатади. Асосий патология йўлдош етишмовчилик бўлиб, у бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши бузилиши (БЙХҚБ) (73,4%) ва ҳомила ривожланишининг орқада қолиш синдроми (ХРОҚС) (51,9%) билан намоён бўлди, бу назорат гуруҳидан мос равишда 17,4% ва 4,2% юқори ($p < 0,01$). Коронавирус инфекцияси натижасида муддатидан олдин туғилишлар сони назорат гуруҳидан 5,9 марта кўпроқ (16,5%/2,8%) бўлди, ва ўз вақтида туғилишлар сони $83,5 \pm 4,2\%$ бўлиб, назорат гуруҳидан 13,6% паст бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, 1-ва 2-гуруҳларида ҳомиладорлик асоратлари бир хил бўлиб, фарқ статистик аҳамиятга эга эмас, бу уларнинг ривожланиш патогенези бир хиллигини кўрсатади.

1-жадвал

Ҳомиладорликнинг триместрида ҳомиладорликдан олдинги даврда COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорликнинг асоратлари ва натижалари

| Ҳомиладорлик натижаси | Асосий гуруҳ n=118 | | | | | | Назорат гуруҳи, n=72 | |
|--------------------------------------|--------------------|------------------|-----------|-------------------|-----------|------------------|----------------------|-----------------|
| | 1- гуруҳ | | 2-гуруҳ | | Жами | | Абс. | % |
| | Абс. | % | Абс. | % | Абс. | % | | |
| I - II триместр | 50 | 63,3±5,4 | 26 | 66,7±7,5 | 76 | 64,4±4,4 | 48 | 66,7±5,5 |
| Тушиш хавфи | 50 | 100,0* | 26 | 100,0* | 76 | 100,0* | 7 | 14,6±5,1 |
| Спонтан тушиш | 27 | 54,0±7,0* | 12 | 46,2±9,7* | 39 | 51,3±5,7* | 3 | 6,2±3,4 |
| Ҳомиладорлик сақланган | 23 | 46,0±7,0* | 14 | 53,8±9,7* | 37 | 48,7±5,7* | 45 | 93,8±3,4 |
| III триместрда қабул қилинган | 29 | 36,7±5,4 | 13 | 33,3±7,5 | 42 | 35,6±4,4 | 24 | 33,3±5,5 |
| Жами | 52 | 65,8±5,3* | 27 | 69,2±7,3* | 79 | 66,9±4,3* | 69 | 95,8±2,3 |
| Кам сувлилик | 7 | 13,5±4,8* | 3 | 11,1±6,0 | 10 | 12,7±3,8* | 2 | 2,9±2,0 |
| Кўп сувлилик | 16 | 30,8±6,4* | 7 | 25,9±8,4* | 23 | 29,1±5,1* | 5 | 7.3±3,0 |
| Презкламписия | 5 | 9,6±4,1 | 2 | 7,4±4,9 | 7 | 8,9±3,2 | 0 | 0 |
| БҲХҚБ | 38 | 73,1±6,2* | 20 | 74,1±8,4* | 58 | 73,4±5,0* | 12 | 17,4±4,5 |
| ХРОҚС | 26 | 50,0±6,9* | 15 | 55,5±9,5* | 41 | 51,9±5,6* | 3 | 4,2±2,3 |
| Эрта туғруқ | 8 | 15,4±5,0* | 5 | 18, 5±7,5* | 13 | 16,5±4,2* | 2 | 2,8±2,0 |
| Шошилич туғруқ | 44 | 84,6±5,0* | 22 | 81,5±7,5* | 66 | 83,5±4,2* | 67 | 97,1±2,0 |

Эслатма: фарқ назорат гуруҳидаги бир хил кўрсаткичга нисбатан сезиларли, *-p<0,05

Аёлларнинг ушбу гуруҳида ҳомиладорлик асоратларининг юқори даражаси COVID-19 касаллиги ва ҳомиладор бўлиш ўртасидаги интервални контрацепция орқали 1-1,5 йилга узайтиришни тавсия қилиш зарурлигини кўрсатади. Бу организмнинг гомеостазини тиклаш учун реабилитацион даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорлик муддатига қараб, ҳомиладорликдан олдин COVID-19 билан касалланган аёлларнинг цитокин ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобда ҳомиладорликдан олдин COVID-19ни симптомсиз ўтказган 79та аёлнинг ҳомиладорлик триместрлари бўйича текширув натижалари келтирилган, бу уларнинг қонида SARS-CoV-2га IgGни аниқланиши билан тасдиқланган (1-асосий гуруҳ).

2-гуруҳга ҳомиладорликдан олдин COVID-19 билан касалланган ва патогенетик терапия олган 39та ҳомиладор аёллар ташкил қилди, улар текширув вақтида I-триместрда текширилганларнинг 30,8%, II-триместрда 35,9% ва III-триместрда 33,3%ни ташкил қилди. Назорат гуруҳини 72та ҳомиладор аёллар: I-триместрда 25та, II- триместрда 23та ва III-триместрда 24та аёллар ташкил қилган. Триместрлар бўйича тақсимотда ҳам икки асосий гуруҳда, ҳам назорат гуруҳида ҳомиладор аёллар сони деярли бир хил бўлган ($p>0,05$).

Биз ўрганилган цитокинларни иккала асосий гуруҳда таҳлил қилдик, уларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган. 2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, физиологик ҳомиладорлик давомида IL-1 β даражаси $162,3 \pm 8,5$ пг/мл дан $182,3 \pm 12,2$ пг/мл гача ошади, асосий гуруҳларда ҳам IL-1 β ишлаб чиқариш сезиларли даражада юқори қийматларда 200 пг/мл дан юқорига кўтарилади.

